



МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИНING ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Хамидов Ғайбилла Сайпиллаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети,
Зирҳли ва автомобиль техникаси кафедраси профессори, т.ф.н.,
профессор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11396721>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 21-may 2024 yil
Ma'qullandi: 25-may 2024 yil
Nashr qilindi: 30-may 2024 yil

KEY WORDS

Коррупция, ижтимоий
хавф, пора, бошқарув, мансабдор
шахс, мансабдор шахс
ваколатлари, суистеъмол
қилиш, мажбурият.

ABSTRACT

Ушбу мақолада коррупция тушунчаси, унинг ижтимоий хавфи ва оқибатлари, халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифлар ва мулоҳазалар шунингдек мансабдор шахслар томонидан коррупцион жиноятлар содир этилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг айрим жиҳатлари ҳамда унга қарши курашиш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Коррупция, умуман жиноятчиликнинг асосий ташкил этувчиларидан бири бўлиб, ҳозирги кунда жамият ва давлатнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади, чунки уюшган ва иқтисодий жиноятчиликдаги сотиб олиш тўғридан-тўғри давлат хавфсизлигига таҳдид солади.

Коррупция ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бошқа муносабатларда содир этилишига кўра мураккаб жиноят турига киритилганлиги сабабли унинг аниқ бир ягона таърифи мавжуд эмас. Коррупцияга бир неча хил таъриф берилиши туфайли шу кунгача коррупция тушунчаси тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Италиялик политолог ва давлат арбоби Н.Макиавелли коррупцияга оммавий имкониятлардан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш деб таъриф берган.

БМТнинг 1979 йили ўтказилган Бош Ассамблеяси ҳамда Коррупция муаммоси бўйича минтақалараро семинар (1990 йил. Гавана) ўтказилиши натижасида қабул қилинган «Қонунчиликка амал қилиш борасида мансабдор шахс ҳатти-ҳаракати» номли кодексда коррупцияга гуруҳ ёки шахсий манфаатни кўзлаб ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳамда давлат хизматчиларининг мансабидан фойдаланиб ноқонуний фойда олиш деб таъриф берилган.

Ушбу таърифдан келиб чиқадики, коррупция тушунчаси фақат порахўрликни англатмайди, балки бу тушунча порахўрликни, шахсий алоқалар асосида ҳомийлик

қилишни ва шахсий фойдаланиш учун оммавий маблағларни ноқонуний ўзлаштириб олишни ўз ичига олади.

Европа Иттифоқи Кўпсоҳали гуруҳининг коррупция муаммоси бўйича ўтказилган биринчи сессиясида (1995 йил 22-24 февраль, Страсбург) коррупция «Пора бериш эвазига мансабдор шахсни сотиб олиш, ўзига ёки ўзга шахсларга ноқонуний имтиёзлар яратиш мақсадида давлат ва хусусий секторда ваколатга эга бўлган шахсларни мавқеидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузишга олиб келадиган шунга ўхшаш ҳар қандай ҳаракатлар» деб таърифланган.

Ушбу таърифда коррупция субъектларининг доираси кенгайганини англаш мумкин.

Коррупция шахсий ёки гуруҳ манфаати йўлида ижтимоий ишончни суиистемол қилиш бўлиб, у ўзига хос бўлган қуйидагича хусусиятларга эга:

- мансабдор шахс томонидан умумий манфаатларни шахсий манфаатларга бўйсундирилиши;
- қарорнинг яширинча бажарилиши;
- қарорни қабул қилувчи ва ушбу қарор қабул қилиниши натижасида фойда олувчи ўртасида ўзаро мажбуриятнинг иштирок этиши;
- бирор қарорни қабул қилинишидан манфаатдор бўлган томон ва ушбу қарорни қабул қилинишига таъсир эта оладиган томон ўртасида ўзаро таъсир мавжудлиги;
- коррупцион ҳаракатни бирор юридик йўл билан яшириш;
- коррупцион ҳаракатни амалга оширувчи томонидан икки хил функцияни бажарилиши, яъни давлат хизматида доир ва хусусий.

Коррупция бу иқтисодий соҳада давлат тизимининг жиноятчилар гуруҳи тизими билан бирлашиб кетиши, сиёсий ва ижтимоий арбобларнинг, мансабга эга бўлган давлат хизматчиларининг моддий бойликлар ёки маълум кўрсатилган хизматлар эвазига сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Умуман коррупцион ҳаракатга қуйидаги ҳаракатларни киритиш мумкин: порахўрлик, шахсий алоқалар асосида ҳомийлик қилиш, жинойий лоббизм, ноқонуний равишда ўзи ёки бирор яқин кишиси, ишонарли шахс орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, давлат маблағларини ва мулкларини ўзининг корпоратив гуруҳи учун ўзлаштириб олиб ёки четлаштириш, ўзи ёки гуруҳ манфаати йўлида хизматга доир маълумотларидан фойдаланиш, сайлов жараёни даврида маълум партия ёки шахс фойдасига ҳамда баъзи сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун бевосита ёки билвосита бадалларни тўлаш, инвестиция ва кредитларни ноқонуний тақсимлаш, ноқонуний конкурсларни ташкил қилиш ва аукционларни ўтказиш орқали хусусийлаштиришни амалга ошириш, божхона ва солиқ тўловларидан тўла ёки қисман озод қилиш ва шунга ўхшаш ноқонуний ҳаракатлар.

Юқоридаги таърифлар ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги фикрни таъкидлаш мумкин, «коррупция» тушунчасини таърифлаш икки асосий йўналишда амалга оширилади:

- коррупция субъектларини аниқлаш;
- шахсий манфаатдорлик тушунчасини аниқлаш.

Агар биз мансабдор шахс сифатида давлат бошқарувида ва хусусий секторда лавозимга эга бўлган, жамоат ташкилотларида ташкилий-бошқарув ва маъмурий-хўжалик функцияларини бажарувчи шахсларни тушунадиган бўлсак, у ҳолда барча мансабдор шахслар, мансаб мақомига эга бўлмаган давлат хизматчилари ҳамда ноҳукумат хўжалик ташкилотлари хизматчилари коррупциянинг субъектлари ҳисобланади.

Шахсий манфаатдорлик тушунчаси эса икки томонлама бир томондан ғаразли мақсадлар бўлса, иккинчи томондан мансабдор шахснинг функционал мажбуриятидан бир оз оғиши (яқин қариндошларига мансабидан фойдаланиб ёрдам бериши ёки юқори лавозимдаги раҳбарият буйруғига асосан хизмат вазифасидан оғиши) бўлиши мумкин. Қисқаси икки ҳолда ҳам хизмат вазифасига хилоф ҳаракат амалга оширилади.

Хизмат вазифасига нисбатан бу каби қоида бузишлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- мансабдор шахс ўз гуруҳи (оиласи, яқин қариндошлари, дўстлари) манфаатини кўзлаб мукофот олмаган ҳолда мавжуд қонун қоидадан бироз четга чиқиши;
- моддий рағбат олмаган ҳолда мансабдор шахснинг лавозимларга тайинлаш бўйича қарорлар қабул қилишда, шартномаларни имзолашда ўз гуруҳига (оиласи, яқин қариндошлари, дўстлари) ён босиши;
- мансабдор шахс ўз лавозимидан фойдаланиб моддий рағбат эвазига ўзга шахсларга қулай шароит яратиб бериши (масалан, ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришда ортиқча расмиятчиликка берилмаслик ёки ҳар хил баҳоналар изламаслик);
- мансабдор шахс моддий рағбат эвазига қарорлар қабул қилиш ёки муаммоларни кўриб чиқишда мавжуд тартиб қоидаларни бузиши. Бу ҳолда пора берган шахс пора эвазига тез ва енгил тартиб қоида орқали ўзига маъқул бўлган қонуний қарорларни қабул қилинишига ёки бирор мансабни эгаллашга эришади;
- мансабдор шахснинг бирор кишига нисбатан аниқ бир қонуний қарор қабул қилиши керак бўлганда (масалан, бирор бир фаолият турига лицензия ёки маҳсулот турига сертификат беришда) сунъий тўсиқлар яратиб ушбу шахсни пора беришига мажбур қилиши;

Мансабдор шахс бирор гуруҳ манфаатидан келиб чиқиб ноқонуний қарор қабул қилади, натижада ушбу гуруҳ ўз фаолияти учун қулай шароитга эга бўлади. Бу ўз навбатида мансабдор шахсни ва гуруҳни ноқонуний фойда олишига олиб келади. Ушбу ҳолатни тавсифловчи хусусиятлари қуйидагилар:

- қонунга зид ва жамоат нормаларига мос келмайдиган қарор қабул қилинади, икки томон ҳам келишилган ҳолда ҳаракат қилади ва ушбу фаолиятини яширинча амалга оширади;
- юқоридан бўладиган босим ёки қўрқитиш мансабдор шахсни ноқонуний қарор қабул қилишига мажбур қилади. Бундай ҳолатда мансабдор шахс ушбу фаолиятини фош этилмаслик кафолатини олади;
- мансабдор шахс пора берган шахс манфаатини кўзлаб ноқонуний қарор қабул қилиши эвазига мукофот олади;
- мансабдор шахс пора эвазига қоидада кўрсатилган хизмат вазифасини тўла бажармайди (масалан, ходими томонидан бирор қонун бузилган ҳолда ҳам чора кўрмаслик);

– мансабдор шахс ўзи учун фойдали бўлган қарорни қабул қилиш мақсадида овоз берувчилар учун қулай шароит яратиб бериши.

Юқорида келтирилган мисоллар «коррупция» ҳодисасини тўлиқ очиб бермайди, балки улар коррупция тушунчасининг баъзи жиҳатларини ёритиб беради холос.

Коррупцияни характерловчи қуйидаги муҳим жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим:

Мансабдор шахсларнинг ва давлат хизматчиларининг фойда олиш мақсадида тижорат фаолиятларида бевосита иштироки;

Давлат маблағларини тижорат тузилмаларига ўтказиб юбориш ва ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини нақд пулга айлантириш учун хизмат вазифаларидан фойдаланиш;

Давлатга тегишли маблағларидан фойдаланиб ўзининг яқин одамларига (маҳаллийчилик, сиёсий, диний ва миллий асосда) ва қариндош уруғларига турли имтиёзларни яратиб бериш;

Шахсий ва жамоавий фойдани кўзлаб оммавий ахборот воситаларига хизмат вазифасидан фойдаланиб таъсир ўтказиш;

Мансабдор шахсларнинг ва давлат хизматчиларининг қариндош уруғ ёки ўзига яқин кишилари орқали тижорат соҳасида иштироки;

Хизмат вазифасидан фойдаланиб тижорат тузилмаларидан моддий маблағларни ноқонуний ундириш ва ушбу маблағларни ўзига тегишли тадбиркорлик ташкилотларига ўтказиб юбориш;

Давлат мулкани хусусийлаштиришда, ижарага беришда, бирор фаолият тури учун лицензиялар беришда ва бозор муносабатларининг бошқа элементларида ўз мансабини суиътемомол қилиш.

Шундай қилиб, коррупцияни таърифлашда унинг асосий икки жиҳатини ҳисобга олиш кераклиги маълум бўлади:

Биринчидан шахс мансабдор бўлиши, иккинчидан баъзи кишилар билан бошқаларга нисбатан устивор характердаги муносабат ўрнатиш учун ўз лавозими мақомидан ёки ундан келиб чиқадиган имкониятлардан фойдаланиши;

Шу муносабат билан бизнинг фикримизча, коррупция деганда мансабдор шахснинг ўз манфаатини ёки бирор гуруҳ манфаатини кўзлаб лавозими ёки ундан келиб чиқадиган имкониятлардан фойдаланиб бошқа кишиларга ноқонуний таъсир ўтказилиши тушунилади.

Ушбу таърифда бир кишининг манфаати иккинчи бир киши манфатидан устиворлиги таъкидланади. Ҳеч нимага асосланмаган ушбу устиворлик мансабдор шахснинг коррупцион ҳаракатининг бошланғич кўрсаткичидир. Коррупцияни шу маънода тушуниш унинг қонуний бошқариш чегарасини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, коррупция бу англанган ҳолда қилинган ноқонуний ҳаракат бўлиб, хусусан ўз манфаатини кўзлаб хизмат лавозимини суиистеъмомол қилишдир.

Коррупция тушунчасини ва унинг сабаблари тўғри англашда хатоликка йўл қўйилганлиги, ҳатто коррупцияни тан олинмаганлиги сабабли Собиқ Иттифоқ даврида коррупцияга қарши курашиш муваффақият билан эмас, балки ҳокимиятнинг тугаши билан яқунланганлигини эслашни ўзи етарлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, коррупция тушунчасининг мазмун ва моҳиятини тўғри тушуниш, ушбу термин билан ифодаланувчи барча фаолиятларни ва коррупциянинг барча хусусиятларини ўзида акс эттирувчи ягона умумий таърифни келтириш коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашда тўғри йўл танлашга олиб келади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Миразов Д.М., Аманов Ф.С., Хамидов Г.С., Нурмухамедова Г.Б., Максадов М.И. Коррупцияга қарши курашиш, асосий вазифалар. Ўқув қўлланма. Т. Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техника университети. 2020. - 138 б.
2. Хамидов, Гайбулла Сайпиллаевич. "Влияние технологических газовых сред на упрочнение быстрорежущего инструмента при электроискровом легировании." (1994).
3. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.
4. Таштемиров А. А. и др. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг ҳамкорлиги //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 25. – С. 32-40.
5. Tashtemirov, A., & Po'latov, A. (2024). Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari. Инновационные исследования в науке, 3(1), 75-78.
6. Таштемиров А. А. и др. Ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 454-461.
7. Таштемиров А., Хўжамбердиев А. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва таснифи //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2024. – Т. 1. – №. 6. – С. 4-12.
8. Таштемиров А., Комилов А. Одам савдоси жиноятига қарши курашни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Центральноазиатский журнал междисциплинарных исследований и исследований в области управления. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.
9. Таштемиров, Анвар, and Хасан Юлдошев. "Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари." Академические исследования в современной науке 3.17 (2024): 55-61.
10. Khojanovich, Dushanov Rustam, Anarboyev Ilyas Ikramovich, and Alibekov Botir Sultanbekovich. "Methodological bases of professional and psychological selection to the organs of the internal affairs." International Journal of Early Childhood Special Education 14.7 (2022).
11. Отакулов Н., Фозилов Ф. Неорганизованная преступная деятельность молодежи: анализ и профилактика //Евразийский журнал академических исследований. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 185-190.
12. Убайдуллаев К. Н. Содействие граждан оперативным подразделениям органам внутренних дел как основа оперативно-розыскной деятельности //Development and innovations in science. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 63-72.